

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 98 (10.403)

2005 ЙИЛ 23 МАЙ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кўсқа

● **БУГУН** 125, 214-мактабларда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида Андижон воқеалари муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** "Фотон" очик акциядорлик жамиятида ўтказилган "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзuida тадбирда қатнашчилар терроризм ва унинг салбий оқибатларини қоралашди.

● **БУГУНДАН** Яккасарой туманидаги 127, 144, 100, 72, 118, 319-мактабларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан "Пойтахтимиз — муқаддас остонамиз" шиори остида "Гўзал ва обод шаҳрим" деб номланган акция ўтказилмоқда. Ушбу тадбир 25 майгача давом этади.

● **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги Молия академик лицейида ташкил этилаётган "Огоҳлик — давр талаби" мавзuida тадбирда Фирдавсий, Ғиёс Умаров ҳамда "Шивили" маҳаллалари фаоллари иштирок этишади.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ҳамкорликларида мактабларнинг иккинчи, олтинчи синф ўқувчилари ўртасида ташкил этилган "Жозибодор табасум" ўқув машғулотлари викторинасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги 24-мактабда "Чимбой", "Ачаобод", "Гузарбоши", "Қўштут" маҳаллалари фаоллари иштирокида Андижонда содир этилган террористик ҳаракатларнинг салбий оқибатларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **МИРОБОД** туманида "Камолот" ЕИХ Тошкент шаҳар ва Миробод туман Кенгаши ҳамкорликларида "Камолот" етакчилари иштирокида уюштирилган ўқув семинари "Еани "Камолот" билан ўтказ" лойиҳасига бағишланди.


● **89-МАКТАБДА** ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир "Огоҳ бўлайлик" деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Пойтахтимиздаги замонавий турар жой бинолари қурилишида «Га-бус-қурилиш-5» шўба корхонаси бунёдкорлари ҳам куч-ғайратларини намойён этишмоқда.

СУРАТДА: қурувчилик касбини эъзозлаётган монтажчи Носир Ганиев ҳаммиша илғорлар сафида.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ АХБОРОТИ

Аввал хабар қилинганидек, 2005 йил 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Жофи Аннан билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати шуни маълум қилдики, ушбу суҳбат чоғида Андижон шаҳрида яқинда рўй берган воқеалар юзасидан мустақил халқаро текшириш ўтказиш ҳақида ҳеч қандай таклиф муҳокама қилингани йўқ. Буларнинг барчаси Россия мустақил НТВ телеканалининг навбатдаги уйдирмасидан бошқа нарса эмас.

Шуниси диққатга сазоворки, россиялик сиёсатчилар, экспертлар ва шарҳловчиларнинг аксарияти ўзларининг айрим ватандошлари бўлмиш чаққон журналистлардан фарқли ўлароқ, юз бераётган вакеаларнинг моҳиятини теранроқ англаб етдилар ҳамда 13 май куни содир этилган хурружнинг сабаб ва мақсадларига доир Ўзбекистон ҳукумати-нинг расмий нуқтаи назарига ҳам фикр бўлмоқдалар. Россия

Давлат думасининг МДХ ишлари ҳамда ватандошлар билан алоқалар кўмитаси раиси Андрей Кокшиннинг фикрига эътибор беринг: «Андижон воқеалари ортида исломи ақидапараст кучларнинг иштироки янада аққолроқ кўрина бошлади. Хатти-ҳаракатларида зўравонлик белгилари аниқ-равшан кўриниб турган исёнчиларга нисбатан Ўзбекистон ҳукумати томонидан куч ишлатилиши бутун минтақа ва умуман халқаро ҳамжамият хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан олганда асосли ҳолдир».

Россия сиёсат конъюнктураси Марказининг таҳлилий бошқармаси раҳбари Анатолий Беляевнинг фикрича, Андижон воқеалари, энг аввало, жиноятчилик билан боғлиқ бўлган ва турли диний радикал

«Исрол Каримовнинг кўпчилик ҳисоблайдиган қаттиққўл бошқарув услуби энг муаммоли ва портлаш ҳафви мавжуд бўлган минтақада тинчликни сақлаб қолиш имконини берди...

Албатта, Каримовнинг командасида хатолар бор, лекин унинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида амалга ошираётган ишлариға тўғри баҳо бермаслик мумкин эмас», — деб ёзди «Труд» газетасида Москва мэрининг масла-

ҳатчиси Нурали Латипов. «Известия» газетаси сатҳфаларида Россия халқ артисти Александр Абдуловнинг қуйидаги сўзларини ўқиймиз: «Ўзбекистонда содир бўлаётган ҳодисалар ниҳоятда даҳшатлидир, ва ишончим комилки, рўй берган воқеалар турткиси мамлакат ичидан чиққан эмас. Вазиёт уюштирилган... Уларға Киргизистон камлик қилди. Бироқ, Ўзбекистонда бундай аҳвол бошқа такрорланмайди, чунки у ерда мустаҳкам ҳокимият мавжуддир».

Олег ШАТУНОВСКИЙ
«Жаҳон» АА.

XVI сағоси

Барча жаилбалардан
олингил сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасида «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари саломатлигини мустаҳкамлаш ишининг аҳволи» мавзuida семинар бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал йигини Давлат думасининг МДХ масалалари ва хориждаги ватандошлар билан алоқалар бўйича кўмитаси раиси Андрей Калашин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

● Эртага Чирчиқ шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт мусобақалари бошланади. Унда 2170 нафар спортсевар ўқувчилар спортнинг 13 тури бўйича ўзаро баҳс юритишади.

● «Экосан» халқаро ташкилотиде «Экология ва саломатлик кунлари»нинг биринчи босқичи якунлари ва иккинчи босқич мақсад ва вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши ўтказилди.

Жаҳонда

● БМТ тинчликпарвар кучлари Шарқий Тиморнинг тарк этмоқда. Ушбу ҳаракатлар халқаро ташкилотнинг Шарқий Тимордаги миссияси қисқартирилиши муносабати билан амалга оширилмоқда.

● Германия парламенти кўпчилик овоз билан Европа Иттифоқи конституциясини ратификация қилди. Мамлакат канцлери Герхард Шрёдернинг фикрига кўра ЕИ Асосий Қонунининг матни жуда яхши тайёрланди.

● Москвада Россия ва Эстония чегараси тўғрисида шартнома имзоланди. Томонлар ҳозирда мамлакатларни ажратиб турган йўналиш бўйича чегаранинг ўрнатилишиға келишиб олдилар. Фақат чегара линияларида айрим кичик ўзгаришлар амалға оширилиши кўзда тутилган.

ТИНЧЛИК — ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

Андижон шаҳрида бир гуруҳ жангарилар томонидан содир этилган хунрезликлар туйфайли бегуноҳ инсонларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши барчамизни чуқур изтиробга солди.

Ўртбошимизнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мазкур воқеаларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида билдирган фикр-мулоҳазаларини ҳар бир ўзбекистонлик каби биз "Ватанпарвар" ташкилотининг ҳар бир аъзоси ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Ҳуқуқий ва демократик давлат қуриш, тенглар ичра тенг бўлиш йўлида дадил қадамларни қўйиб, тўғри йўлни танлаб олган мустақил Ўзбекистонимиз ривожини, тараққийини кўролмаётган ғаламисларнинг бу қилмишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Халқ уларни кечирмайди.

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими ўз фаолиятини ўсиб келаётган ёшларни она-Ватанини севувчи, юрт қамоли учун фидойи, ватанпарвар, илмли, хунарли,

тарбияли қилиб вояга етказишга қаратган. Юракда бир гуруҳ билан айтиш мумкинки мустақиллигимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб, иқтисодий юксалиш, халқ фаровонлиги йўлида кенг ислохотлар олиб борилмоқда. Ёшларимизнинг илм олишлари, замон билан ҳамнафас кенг тафаккурга эга бўлишлари йўлида барча

унга дахл қилолмаслигини наҳотки тушуниб етмаптилар? Ҳар қандай ақли расо инсон бунун дунёда содир этилаётган хунрезликлар, ваҳшийликлар ва бунинг оқибатида бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишини кўраб, эшитиб экан тинчликнинг қадр-қиммати нақадар юксак ва бебаҳо эканини янада теранроқ англаб етмоқда. Шундай экан, биз бугун бирлашиб юртимиздаги тинчликни сақлаш, халқнинг нафратига дучор бўлган хунрезлик, бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилиши каби мудҳиш воқеаларнинг такрорланмаслигига ҳаракат қилайлик.

Халқ — энгилмас бир куч, сувда чўкмас, ўтда ёнмас мангу машъаддир. Инсоннинг порлоқ истиқболи йўлида, юртпарвар Президенти атрофида бар келажақ сари одимлаётган юртинг юки ҳеч қачон ерда қолмайди.

Нарзиддин РИЗАМЕТОВ,
Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

ХАЛҚ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Она-Ватан, киндик қонимиз тўкилган муқаддас туپроқни жон қадар асраб-авайлаш, ганимлар зулмидан, ёмон кўзлардан сақлаш ҳар бир соф виждонли инсоннинг муқаддас бурчидир.

шароитлар яратилмоқда. Шундай экан "Ғойибдан бахт ато этмоқчи бўлаётган даҳолар"нинг бизга кераги йўқ.

Халқимиз мустақилликка эришиб, озода, ҳур диёр номини бунун дунёга танитгунча озмунча синовларни бошидан кечирганими? Тинч-осуда ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлаётганлар тинчликнинг биз учун нақадар азиз ва кимматли эканини, ҳеч қандай куч

дам туриб юртимиздаги тинчликнинг юки ҳеч қачон ерда қолмайди.

Нарзиддин РИЗАМЕТОВ,
Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД — ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Андижон шаҳрида содир этилган мудҳиш воқеалар соғлом фикрли ҳар бир ҳамюртимиз қалбини ларзага солди, хом хаёлда юрган бир тўда ғаламисларга нисбатан чексиз нафрат ва ғазаб уйғотди.

Учтепа туманидаги "Ором" таълим-тарбия мажмуида Ҳамза номи маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда иштирок этган туман ҳокими Қ.Накибов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бошлиги Н.Расуловлар сўз олиб, тинчлик-осудалик ҳукм сураётган, ҳуқуқий, демократик давлат қуриш йўлида самарали меҳнат қилаётган бунёдкор халқимизни тўғри йўлдан чағлитишга уринганлар ҳеч қачон шум ниятларига ета олмасликлари, юрт тинчлиги, Ватан мустақиллиги Ўзбекистон фарзандиман деган ҳар бир фуқаро учун азиз ва муқаддаслигини, унга ҳеч ким раҳна сололмаслигини таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, маҳалла фаолларидан техника фанлари доктори Т.Нисонбоев сўзга чиқиб мустақил Республикаимиз раҳнаки учун ҳаммиша курашиш лозимлиги, кишиларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши, тинч ҳаётимизни захарлашга уринувчи бундай бузғунчи оқимлар таъсиридан ёшларни сақлашга чақирди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш.Бадалова эса маҳалладаги 562 нафар оила, фарзандлари қамоли йўлида интилиб яшаётган оналар номидан сўз олиб, Андижонда содир этилган ваҳшийна хатти-ҳаракатларга муносабат билдирди, бегуноҳ инсонларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши кечирилмас гуноҳ эканлигини қайд этиб, фарзандларимизни ёшлардан элга садоқатли, ватанпарвар қилиб вояга етказиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, маҳалла ёшларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билимини ошириш мақсадида "Соғлом эътиқод — қалб гавҳари" мавзусида икки йиллик мулоқот давраси курси ташкил этилганини айтиб, бу саъй-ҳаракатлар келажақда албатта ўзининг ижобий натижасини беришига ишонч билдирди.

(Ўз мухбиримиз)

Тинчлик-тотувлик ила бир оила фарзандларидек эртанги кунимизнинг истиқболи йўлида меҳнат қилиб, орзу-умидлар, интилиш билан яшаб келаётган мустақил диёримизнинг гўзал шаҳарларидан бири — Андижонда бир тўда жангарилар томонидан уюштирилган хунрезликлар бунун Ўзбекистон халқини ларзага солди. Диёримиздаги ҳар бир онгли инсон бу ачқик фожеага ўз муносабатини билдирмоқда, маҳалла, қорхона, ўқув юртиларида учрашувлар ўтказилиб, бундай воқеаларнинг такрорланмаслиги учун барча огоҳ ва сезгир, ҳушёр бўлишга чорланмоқда.

ОНА ЮРТИМИЗ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАЙМИЗ

Хусусан, «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси меҳнат жамоасида ҳам йиғилиш ўтказилиб, ўринли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб, яратиш, яшатиш, иқтисодиётимизни юксалтириш, жаҳон бозорига чиқиш йўлидаги ислохотларга кенг йўл очилаётган, изчил режалар ишлар олиб борилаётган кунларда нега бундай хунуқ воқеалар рўй берди? Тинчлигимиз, осудалигимизга раҳна солишдан кимлар манфаатдор? Бунёдкор халқимизни тўғри

йўлдан кимлар адаштирмоқчи бўляпти?

Тадбирда сўз олганлар барчанинг эътиборини юқоридаги каби қатор саволларга қаратдилар. Лекин ахшиликни, тўғрилиқни, тинчликни кўролмаган «хом хаёл»да юрган кимсалар ҳеч қачон шум ниятларига ета олмасликлари, эзгуликларга эш бўлган халқни Оллоҳнинг ўзи қўллаши, ҳеч қачон завол топмаслиги ҳақида таъкидлаб, ҳаммиша Ўртбошимизнинг ёнларида туриб, мустақиллигимиз, тинчлигимизни кўз қорачигидек

асраймиз, деган фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

Бор куч-имкониятни она юртимизнинг юксак тараққиёти, порлоқ истиқболга қаратган ҳолда ҳаммиша огоҳлик ва ҳушёрликни қўлдан бермай, бундан кейин бундай воқеаларнинг қайтарилишига йўл қўймаслик, осойишталигимизни асрашга чақирдилар.

Рўзиали СУЛАЙМОНОВ,
«Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси касоба уюшмаси кўмитаси раиси

ЎРИНЛИ ТАКЛИФЛАР

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси аъзоларининг Андижон шаҳрида содир бўлган фожиали воқеаларга бағишланган навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилди.

Нодавлат телерадиостудиялар раҳбарлари ва бош муҳаррирлари ўз чиқишларида Андижон воқеалари барча ўзбекистонликларнинг юрагига қаттиқ изтироб солганини қайд этишди.

Йиғилиш давомида нодавлат телерадиостудиялар журналистлари томонидан эфирга олиб чиқилган янгиликлар, таҳлилий ва бошқа ахборот кўрсатувлари борисида ўзаро фикр ва таҳриба алмашишди.


Шу билан бирга республикадаги нодавлат телерадиозатувчилар вакиллари Андижон воқеаларини ёритишда баъзи хорижий ОАВ мухбирлари туган позицияга нисбатан ўзларининг салбий муносабатларини билдиришди. Улар бунун журналистлар ҳамжамиятини журналистиканинг умумий тамойилларига ва касб этикасига амал қилишга, жаҳон ҳамжамиятини ушбу фожиали воқеалардан ҳолисона хабардор қилишга чақирдишди.

Сўзга чиққанлар жамиятни диний

ақидапарастликдан халос қила оладиган демократик тафаккурни ривожлантиришга, мамлакатдаги жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ҳамда ислоҳ қилишга йўналтирилган жараёнларнинг моҳиятини очиб берувчи телерадиодастурларни яратишга қаратилган нодавлат электрон ОАВнинг фаолиятини янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этишди.

Шу билан бирга нодавлат телерадиостудиялар ўртасида тезкор ахборот алмашиш йўлга қўйилмаганлиги қайд этилиб, бу борада олиб бориладиган ишлар ахборот билан таъминловчи мазмунини янада сифатли қилиши мумкинлиги таъкидланди. Шу мақсадда ЎзОАВМА қошида ассоциация аъзоларини Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан олинган зарур ахборот билан таъминловчи ҳамда нодавлат телерадиозатувчиларнинг ахборот ва таҳлилий дастурлари мазмунини ва сифат даражасини оширишга кўмаклашувчи Ахборот марказини яратиш таклиф этилди.

(Ўз мухбиримиз)



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари яқин ўн йил ичида ташкилотнинг харажатларини молиялаш масаласи бўйича бир тўхтамага кела олмадилар. ЕИ молия вазирининг Люксембургдаги учрашувида етти йилга мўлжалланган бюджетнинг асосий жиҳатлари бўйича келиши қийин бўлди. Бу ҳужжат 2007 йилда, яъни иттифоққа янги аъзолар қўшилиши билан кучга кириши керак.

● Норвегияда туғилиб, Американида яшаётган миллионер Фред Калви фаннинг уч йўналиши — астрофизика, нейробиология ва нанотехнология соҳаларида эришилган ютуқларини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида ўз ҳисобидан худди Нобел мукофотига ўхшаш мукофот жорий этди. У икки йилда бир марта Норвегия Фанлар академияси томонидан номзодга тақдим этилади. Микдори Нобел мукофотига тенг эквивалентда — 1 миллион доллар қилиб белгилади. BBC берган маълумотига қара, биринчи тақдимот 2008 йилда амалга оширилади.

● Испания парламенти ҳукуматга мамлакатдаги ЭТА айирмачилари билан тинчлик музокаралари ўтказишга рухсат берди. Ҳукумат тепасида бўлган социалистлар партияси томонидан киритилган мазкур тақлифи парламентадаги олти кичик фракция қўллаб-қувватлади. Бироқ, Халқ Консерватив партияси қаршилик қилмоқда.

● Гаага Халқаро трибунали биринчи маротаба собиқ Югославияда амалга оширилган ҳарбий жиноятларда гуноҳ қилинаётган Радован Станкович жиноий ишини Босния судига қўриб чиқиш учун жўнатди. Станкович 1992 йилда мамлакатнинг Шарқидаги Фоча шаҳрида бўлиб ўтган зўравонликларда айбдор деб гуноҳ қилинган. У ўша йили серб қучлари томонидан қўлга олинган.

● Умумхавфсизлик хизмати (ШАБАК) ва полиция Эҳром тоғида террорчилик хуружига ҳозирлик кўраётганлиги таҳмин қилинган худдий радиокалларнинг икки гуруҳини ҳибсга олди. Махсус хизмат вакиллари фитначилар Эҳром тоғи устида портлаткичлар орқали бошқариладиган самолётни портлатиш ниятида бўлганликларини таъкидлашмоқда.

● Покистон президенти Парвез Мушаррафнинг маълум қилишича, мамлакатда «Ал-Қоида»нинг етакчиларида бири Абу Фаража ал Либи қўлга олинди. Бироқ у «Ал-Қоида» етакчиси Усама бин Ладен ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаган. «Гуруҳларнинг устунларидан бири қулади, энди у пухта ташкил этилган ва бошқариладиган ташкилот сифатида фаолият юрита олмайди», — деди президент.

● Индонезия Шарқида жойлашган Палуа музофотида Рихтер шкаласи бўйича беш баллик zilзила содир бўлди. Хозирча вайронгарчиликлар ва жабранганлар ҳақида маълумот йўқ.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг жамиятимизда туб ўзгаришлар, янгиланишлар бошланди. Миллий қадриятларимиз ва илгор аъённаларимизга бўлган муносабат ўзгарди. Миллатимиз кўрки ва ифтихори ҳисобланган маънавият, эзгулик, гўзаллик каби умуминсоний тушунчалар халқимизнинг эътиборида бўлмоқда.

Қадриятларимиз

ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ

Яқинда Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Фан ва таълим ходимлари Касаба уюшмаси Марказий кўмитаси ташаббуси билан республика олий ўқув юртлири талабаларининг «Хазина-2005» ўзбек фольклор санъати ва урф-одатлар фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивал илгор гоёларни тараннум эттириш, талабаларда Ватанга муҳаббат туйғулари юксалтириш, уларнинг ижодкорлик қобилиятларини намоён қилишга кенг имкониятлар яратиш ҳамда ёшларда санъатга меҳр уйғотиш, самимий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини қарор топтириш мақсадида ўтказилди.

— Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган маъруза фестивал дастлаб 2001 йилда бўлиб ўтган эди, — дейди «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси масъул ходими Эсан Уринов. — Таъкидлаш жоизки, фестивалнинг йилдан йилга нуфузи ошиб, жамоалар сони ортиб бормоқда. Олий ўқув юртлири театр жамоалари тайёрлаб келган сахна

кўринишларида Ватанга муҳаббат, она ва аёл муқаддаслиги, оиладаги меҳр-муҳаббат, ёш авлод тарбиясидаги маънавий мукамаллик, илм-фанга, тарихий аъённаларимизга, маданиятимизга, урф-одатларимизга ҳурмат-эҳтиром каби ўлмас қадриятларимиз тараннум этилган.

Фестивалнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, унда республикамиздаги турли ихтисосликка йўналтирилган олий ўқув юртлири талабалари томонидан тайёрланган сахна асарлари намоён этилди. Энг муҳими, фестивалда иштирок этган жамоалар театр ва санъат соҳасидан бир қадар бўлсада «йироқ», яъни сахна профессионаллари эмас. Лекин ўтказилган фестивалдан шу нарса маълум бўлдики, талабаларнинг ижро этаётган сахна кўринишлари профессионал санъаткорларнинг ижро маҳоратидан кам эмас. Бу эса талаба-ёшларнинг санъатга бўлган муҳаббатларининг юксалигидан далолат беради. Фестиваль давомида иштирокчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилишди, шаҳримиз театрларида бориб спектакллар томоша қилдилар. Анжуманнинг тантанали ёпилиш маросимида голиб жамоаларга дипломлар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Гулҳажа НОЗИМХОЖИЕВА

Ёзинг иссиқ кунларида кишининг салқин ичимликларга бўлган талаби ортади. Шу боис танага ҳузур бағишлаб, чанқоғингизни қондирувчи ушбу махсулотларнинг бозори чаккон бўлади.

Тадбиркорлик

ЧАНҚОҒИНГИЗНИ БОСАДИ

Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ички бозорни турли рақобатбардош салқин ичимликлар билан таъминлаб, харидор талаби асосида иш юритаётган «Хуснора» корхонаси тадбиркорларининг изланишлари самаралидир. Улар «Кристал» деб номланган салқин ичимликларнинг 12 та турини тайёрлаб, савдо шохобчаларига чиқаришмоқда.

Жорий йилда иш бошлаган корхона цехлари энг замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, Италия технологиясининг ишлаб чиқаришга таъбиқ қилиниши сифатли махсулот гарови бўлмоқда.

Ҳозирда корхона цехларида иш 2 сменада ташкил этилган. Германиядан келтирилган концентратлардан фойдаланиб пластик идишларга қадоқланаётган махсулотнинг этикеткалари ҳам ранг-баранг ва жозибалидир. Айни кунларда бир сменанинг ўзида 4 минг дона салқин ичимлик ва тозаланган сув тайёрланмоқда.

Хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, рақобатбардош махсулот турларини кўпайтириш мақсадида Россия давлатидаги ҳамкорлар билан қўшма корхона тузиш учун музокаралар олиб борилмоқда. Шунингдек, мавсумда қўшимча цехлар ташкил этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш кўзда тутилган. Тайёрланаётган махсулотларни харидорларга ўз вақтида етказиб бериш учун ҳамда қўлайлик яратиш мақсадида пойтахт ва Тошкент вилояти ҳудудларида фирма дўконлари очишга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Саидқарим БОБОСАИДОВ

Анжуманлар

“АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ”

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекмузей» жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия томонидан Темурийлар тарихи давлат музейида Халқаро музейлар кунига бағишлаб «Аждодларимиз мероси» мавзусида республика семинари кенгаши ўтказилди.

Тадбирда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия масъул котиби А.Икромов «Музей ишлари маркетинги ва бошқаруви», Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори К.Иноятов «Янги экспозициянинг шаклланиши ва яратилиши», Бухоро бадиий — меъморчилик музей-қўриқхонаси директори Р.Альмеев «Бухоро бадиий меъморчилик музей қўриқхонаси ва янги ахборот технологияси», Ўзбекистон амалий санъат музейи бош ҳисобчиси К.Турсуналиев «Музей жамғармаси ишларини юритиш методикаси», Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг кутубхоналар ва музей ишлари бошқармаси бошлиғи Т.Зоитов «Музейларда сақланаётган экспонатларни хатловдан ўтказиш» мавзулари бўйича маъруза қилдилар.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва шаҳарлардан 50 дан зиёд соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Мухтасархон КАРИМОВА

Муҳожага, муҳожага

КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР

МЕЗБОН МУЛЗАМ БҮЛДИ

Ҳурматли тахририят, мени бир нарса кўпдан бери ўйлантиради. У ҳам бўлса баъзи даҳа ва мавзеларда жойлашган кўп қаватли уйлارнинг рақамлари бир текис қўйилмаганлиги. Масалан, айтайлик, 19-рақамли уйни қидириясиз. Унга яқин рақамли уйлар бор, лекин сиз қидирган уй йўқ. Қизиги шундаки, сиз истаган уй билан ёнма-ён жойлашган хонадонларнинг кўпчилиги ҳам ёнидаги уйнинг рақами нечанчи эканлигини айтиб беришга қийналишади. Рақамларнинг бу қадар нотекис жойлашуви ўша уйларга биринчи марта тўй-туркунга, ёки меҳмонга борган кишиларни анча овороа сарсон қилади. Айниқса машинада бўлсангиз оралик уйларга киролмай, у кўча билан бу кўчани айлангизингиз айланган. Яқинда ўзимиз билан шундай воқеа содир бўлди. Сергелида яшовчи қариндошимизникига бўлажак тўй олдидан муборакбод қилгани бориб, уйини топгунча ярим соатдан ортиқроқ вақт йўқотдик. Таклифномада кўрсатилган мавзени бир бошдан айланиб чиқиб, аранг у яшайдиган уйни топдик. Қарангки, шу уйнинг орқа томонидан икки марта ўтиб кетибмиз. Лекин у айнан биз истаётган уй эканлигини билмаймиз. Чунки уйнинг ҳеч қаерида рақами ёзилмаганди.

Яқин атрофдагилардан сўраб-суриштирдик. Биров билди, биров билмади. Охири бахтимизга ўша уйда яшовчилардан бири учраб қолди. Унинг ёрдамида қариндошимизникига бир алпозда кириб бордик. Акс ҳолда қайтиб кетишимизга тўри келар эди.

— Мунча кеч қолдинглар? — деди у бизни кутиб олган.

Қидирганимизни айтдик.

— Нимасини қидирасизлар, тўғри йўлу? Иккинчи кўчадан чапга бурилсангиз бўлди, — деди у бизга осон тўти.

— Уйнинг рақами ёзилмагандан кейин, биринчи келган кишига қийин эканда.

— Рақами бор эди, ўтган йили таъмирлаш вақтида ўчиб кетибди.

— Шу уйда қанча оила яшайди? — сўрадик биз.

Мезбон уйланиб жавоб берди.

— Аниқ билмайману, тахминан 90 га яқин оила бўлса керак.

— Ахир шунча оилга битта уйнинг ҳар икки томониغا келганлар учун қўлай бўлсин деган мақсадда уй рақамини ёзиб қўйиш наҳотки қийин бўлса, — деган гапни айтдик.

Бу сўзимиздан мезбон мулзам тортиб қизарди.

Комил ФОЗИЛОВ

ЁВ ҚОЧСА, БОТИР КҮПАЯР

Кечки пайт 91-йўналишда қатновчи автобусга чиқдим. Салон анча тикилгич бўлгани учун ўрта эшик томон аранг ҳаракат қиламан. Бир жойга келиб тўхтаб қолдим. У ёқ-бу ёққа юришни иложи бўлмади қолди. Орқамда турган йигитчалар устимга ёпирилгудек сикишди мени. Уларга «ўзларингизни сал тўтиб туринглар», дегим келадими, лекин уларнинг ҳам орқасидан ўзгалар суриб келаятгандир, деган хаёлда индамайман.

Ўрда бекатида йигитчалар автобусдан тушиб кетишди. Салон анча бўшаб қолди. Шунда ёнимдаги ўриндикда ўтирган ўрта ёшли киши менга мурожаат қилди.

— Укажон, чўнтагингизни бир қаранг, ичкилиб пулларингиз бутми? Бояғи йигитчалар роса чўнтақларингизни тит-пит-қилиб юборишди, билмадингиз.

Дарҳол чўнтагимга қўл югуртирдим. Бугун олган ойлик маошим йўқ эди.

— Оббо зангарларей, ахир ўмариб кетишибдида, — деди унинг ёнидаги иккинчи киши ачиниб.

— Кўриб турган экансизлар, нега индамадингизлар? — дейман уларга аччилаб.

— Ие, укажон, эсингиз борми ўзи, индаб бўларканми? Уларнинг қўлида

ҳамиша яроғи бўлади. Бирда ўзим кўрганман, ўртага аралашган бир кишининг юзини лезвия билан тилиб қочишган.

— Ҳов ака, шунақа экан, нега бизга шипшитмадингиз. Бир додани бериб кўярдик бу тирранчаларни, — дея гап қотди орқа ўриндикда ўтирган барзанги йигит.

— Биқинидан дарча очиб кўярдим, — деди унинг шериги дадилланиб.

Бу сўзларни эшитиб турган жувон лабини бурди.

— Қўйинглар, сизлар ҳам бу воқеани кўриб-қўрмасликка олиб ўтирдинглар. Ҳаммасини ўзим қузатиб турувдим. «Ёв қочса, ботир кўпаяр» деб шунга айтсалар керакда.

Жувоннинг бу гапидан ранги гезарган ҳар иккала барзанги бекатда индамайгина салони тарк этди.

Абдусамд КАРИМОВ

ТЕЛЕФОН ЖОН РОҲАТИ, ЛЕКИН...

Баҳс қизгин борарди. Мавзу битта. Телефон жоннинг роҳатини, ёки азоби-ми? Биров у деса, биров бунисини дерди. Хўш, сизнингчачи ҳурматли оқшомхон? Тўғри топдингиз, телефон жон роҳати. Лекин уни қийноққа, асаббузарликка айлантирадиган биз, шу беминнат хизматдан фойдаланувчилармиз. Нега дейсизми? Эшитинг.

Сиз бирон юмуш билан иш жойингизга ёки таниш-билишларникига телефон қилдингиз. Гўшақдан «Алло» ёки «Эшитаман» деган овоз келиши билан биринчи навбатда сиз саломлашингиз, гўшақдан такаллуфнингизга яраша овоз келгач, гапиратган одам сиз истаган киши бўлса тўғридан-тўғри мақсадга ўтишингиз мумкин. Бордию овоз эгаси нотаниш бўлса ёки рақам теришда янглишиб бошқа жойга тушиб қолган бўлсангиз индамай гўшақни тарақлатиб уриб жойига қўймай, албатта у томондаги одамдан кечирим сўрашингиз лозим.

Баъзан шундай бўлади. Телефон қоққан одам на салом бор, на алик бор, манзилга тўғри тушган-тушмаганини суриштирмай (кўпинча бундай ҳол балога ёшига етган қиз ва йигитларда бўлади) сайраб кетади.

— Вой Попув яхшимисан, кеча Камолни кўрдим. У...

— Ҳой, менга қара, бу Попувнинг уйи эмас, сайрамай олдин суриштирсангчи? Икки томоннинг асаби бузилади...

— Халиммисан, кеча нега чикмадинг? Бугёнга бўралаб сўқиш бошланади.

— Йигит ўлгур, бошқа жойга тушиб қолдим.

Яна асаббузарлик. Баъзиларимиз эса телефон қиламизда у томондан овоз келгунча индамай гўшақни ушлаб тураверамиз. «Гапиринг» асабий овоз эшитилади гўшақдан. Агар манзилга тўғри тушган бўлса гапирамиз, аксинча индамай гўшақни жойига қўямиз. Ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеа:

Дам олиш кунни қоқ туш пайти қўшимизникида шов-шув кўтарилиб қолди. Ҳаммамиз ўша томон югурдик. Билсақ, кимдир телефон қилиб «Бу Машқурахонларнинг уйими? Тез етиб келинг, кизингизни машина уриб кетди. Ҳозир у Чилонзордаги касалхонада» дебди сўраб-суриштирмай.

Бор гап шу. Энди айтинг. Чилонзорда нечта касалхона бор? Жабрдайдя қизнинг оти нима? Хонадон эгалари безовта. Фураст қанимат. Ишни осон қилиш учун ҳаммамиз Чилонзор туманида жойлашган касалхоналар бўйлаб тарқалдик. Сарсонгарчилик, асаббузарликдан кейин билсақ, чиндан ҳам тасодиқ туйғайли бир қиз машина ҳалокатига учраган экан. Уни Чилонзордаги «Тез ёрдам» касалхонасига келтиришибди.

Қўшимизга телефон қилган одам шовилинча телефон рақамини нотўғри териб юборибди. Бизку қидириб-топиб етиб келдик. Лекин жабрдийда қизалоқнинг ота-онаси бу воқеадан ҳамон бебахар эди. Билмадик, ўша кун шўрлик ота-она қизларини соғ-омон кўролдими экан?

Ботир ФАНИЕВ

Эрта-индин ўқув йили охирида ўрта умумтаълим мактабларида сўнги кўнги-рок жарангайди. Мактабни битираётган ҳар бир ўғил-қиз шунча йил илм олган кулгун даргоҳ, ширин сўзлар, қалбларга солган яхшилик нурлари билан ота-оналаридек азиз бўлиб қолган ўстоз-муаллимлар, бир партада ёзма-ён ўтириб яхши-ёмон кунларида сирдош бўлган синфдошлари билан хайрашадилар. Мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Уларни баалоғат оstonасида жиддий синовлар кутиб турибди. Қалбларда эса минг бир ҳаёжон, минг бир савол «Ким бўлсам экан?»



Абитуриент — 2005

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Мустақил диёримизда илм олиб, ҳунар эгаллаб камол топаётган ёшларга ҳар қачан ҳавас қилсак ярашади. Чунки эртанги кун эгаларининг яраб-яшнаб юришлари, илм-маърифатдан баҳраманд бўлиб, ота-боболаримиз хунарини эгаллашлари учун шаҳсан «Юртобимиз ташаббуслари, гамхўрликлари остида давлатимиз томонидан, ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Кўрганда кўз қувнайдиغان салобатли, кўркам, барча қулайликларга эга бўлган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган ўқув масканлари, коллеж, лицей ва олий ўқув юртли уларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида хизмат қилмоқда.

«Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Фурқат Махмудхўжаев. — Шу кунгача шахримиздаги барча институт ва университетларда «Очиқ эшиклар кўни» ўтказилди, унда абитуриентлар барча керакли маълумотларни олдилар. Бугунги тадбиримиздан ҳам айнан «Ким бўлсам экан?» деган савол қаршида бўлиб турган ҳар бир ёш учун кенг имконият яратиш мақсади кўзланди. 25 майдан кейин барча туманларда ҳам мана шундай сайиллар ўтказилади. Унда ўша ҳудудда жойлашган барча коллеж, академик лицей ва институтлар қатнашади.

Тадбирни кузатар эканмиз бизни ҳар бир институт вакилининг, хоҳ у ўқитувчи, хоҳ проректор, хоҳ ректор хоҳ талаба бўлсин ёшларнинг ҳар бир саволига тўлиқ, жиддий ва асосийси ниҳоятда самимийлик билан жавоб беришлари жуда муҳим қилди, водеорликлар, стендлар, реклама брошюраларидан ташқари ҳар бирларининг қўлларига маълумотнома берилди. Қатор оралаб борар эканмиз «Ўзбекистон жаҳон тиллари университети» деган белги ёнида талабаларнинг бир хил кийимда, ўзига хос янгилик билан тадбирда иштирок этаётганига гувоҳ бўлдик.



Бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Абитуриент сайли» ҳам айнан мактабни тугаллаш арасида турган ёшларнинг касб танлашлари кўмаклашиш мақсадида ўтказилди. Шаҳримиздаги 29 та олий ўқув юртли вакиллари иштирок этган ушбу сайил ниҳоятда серзавқ, ёшларга хос кўтаринкилик ва энг зарури жуда фойдали бўлди. Сайилга келган ёшлар аввало ўзларини қизиқтирган институт, университет ҳақида тўлиқ маълумот олишди, ҳар бирининг йўналишлари, қаерда жойлашгани, талабалар учун яратилган шароитлар билан тўлиқ танишишди.

«Инсон илми билан, бургут қаноти билан чўққини забт этади», деб беҳижга айтилмаган. Билим инсон қадр-қимматини оширади, жамиятдаги макенини тиклайди, вақтида унга қанот бўлади. Шундай экан унинг-ўсиб келаётган ёшларнинг илм олишлари, ҳунар эгаллашлари келажақда уларнинг ҳаётини безаши айна ҳақиқатдир.

«Инсон илми билан, бургут қаноти билан чўққини забт этади», деб беҳижга айтилмаган. Билим инсон қадр-қимматини оширади, жамиятдаги макенини тиклайди, вақтида унга қанот бўлади. Шундай экан унинг-ўсиб келаётган ёшларнинг илм олишлари, ҳунар эгаллашлари келажақда уларнинг ҳаётини безаши айна ҳақиқатдир.

Бу нарса унга ёқиб қолиб, берган одамдан яна сўрай бошлади. Бахтсизлик кечроқ, яъни катта ўғил унга керак бўлган моддасиз тура олмайдиган бўлиб қолганида бошланди. Бора-бора гиёванд модда йўқлигида у роҳатлана олмай, руҳий тушунликка тушиб, ўша моддани қабул қилишдан бўлак ҳеч нимага эътиборини жалб эта олмайдиган бўлиб қолибди. Аммо бу билан бахтсизликлар тугамабди. Гиёванд модда таъсирида марказий асаб тизимида шундай бир ҳолатлар юзага келдики, «кайф» тугаланидан сўнг баданнинг турли қисмларида чидаш қийин бўлган оғриқлар, қайт қилиш, бош айланиш, кучдан қолиш ва бошқалар вужудга келади. Уларнинг умумлашган номи абстиненция дейилади. Энди ўғилнинг кўзига на уни дунёга келтириб, оқ ювиб, оқ тараган ота-онаси, на бутун умрини оиласига бағишламоқчи бўлган турмуш ўртоғи ва фарзандлари кўринди. Керакли моддани топиш йўлида у ҳамма нарсага, кучи етган барча ҳуқуқбузарликларга ҳам тайёр бўлиб қолган. У онасининг кенжа ўғлини уйлантираман деб

олиб ўйган қимматбахона нарсаларини сотиб юборди. Хотинининг ёлвориларига қарамай, никоҳ узугини арзон-гаровга бериб юборди. Ҳам-ташвишдан куйиб қул бўлган она бу фойда билан хайрашадилар. Ўғилга бу ҳам таъсир қилмади, фақатгина ҳаммаси яхши бўлади, деб қўя қолди. Кичик ўғил қаровсиз қолиб ёмон болаларга қўшилиб, қамалиб кетди. Тоқати тоқ бўлган келин фарзандларини олиб ота-онасиникига йўл олди. Ота эса ичкиликка ружу қўйиб у ҳам узоққа бормади, дунёдан кўз юмди. Қаранг, биргина гиёванд модда бутун оилани бесаранжом қилиб, уларни турли хил тақдир йўлларига «ирғитиб» ташлади. Шу ўринда «Гиёвандлик ўзи

нима?» — деган савол туғилади. «Гиёвандлик» атамаси (русча «наркомания») грекча «нарко» — боғланиш, «манья» — ақлдан озмиш, ақлдан озганлар сўзларидан таш-

лиги билан ҳам хавфлидир. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, гиёвандликка мубтало бўлганлар сони ўтган асрнинг сўнги йилларида 20 миллион кишидан ошиб кетди ва бу кўрсаткич дунёнинг барча мамлакатларида йил сайин ортиб бормоқда. Мехнат тарбия колониялари, тарбия даволаш муассасалари ҳамда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар таълим олаётган махсус касб-ҳунар ўқув юртлиларидаги 520 нафар вояга етмаган гиёванд ва токсикоманлар текшириб кўрилганда, натижалар шунга кўрсатадики, гиёванд моддаларга қинлашувнинг энг кам ёши — 8 ёшдир. Йил сайин гиёванд моддаларни истеъмол қилаётганлар сони ортиб бормоқда, аяникса, 13-

15 ёшлар орасида, ҳатто 8-9 ёш болалар ҳам мавжуд. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида гиёвандлик ва токсикомания муаммоси жуда долзарб бўлиб, унга тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, психологлар, ўқитувчилар ва бошқа соҳа ходимларининг эътибори қаратилган. «Турғунлик» йилларида бу муаммо ҳақида соҳа ходимлари гапиролмас, ҳажимлари қамайтирилиб кўрсатилар, унинг ижтимоий, иқтисодий, демографик, маънавий ва бошқа оқибатлари тўла очиб берилмас эди. Натижада бизнинг жамиятимиз гиёвандлик ва токсикомания билан курашга қодир бўлмади қолди. Аммо мустақил бўлганимиздан кейин ҳамма нарса ўзгарди ва мамлакатимиз гиёвандликка қарши курашни кенг қўламларда аллақачон бошлаб юборган...

«Гиёвандликка қарши нафақат бир мамлакат, балки бутунжаҳон бирлашиб курашмоғи даркор. Шундагина биз бу иллатни ҳаётимиздан суриб чиқарамиз. Феруза УМРЗОҚОВА

МАРОҚЛИ ЎТГАН УЧРАШУВ

Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев асарларини ўқимаган киши юртимизда топилмас керак. Болалар адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган адабнинг «Сарик девни миниб», «Касокорнинг олтин боши», «Беш болиби йигитча», «Мунгли кўзлар» асарлари айтиш жоизки, келажакимиз ворислари — фарзандларимизнинг маънавий оқиб бўлиб улғайишларида муҳим аҳамият касб этади.

Кўни кеча Юнусов туманидаги 274-мактабда ўқувчиларнинг ёзувчи Худойберди Тўхтабоев билан учрашуви ўтказилди. Мактаб маъмурияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамкорликларида уюштирилган ушбу тадбирни очар экан, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Махмуда Валиева ўқувчиларга ёзувчининг фаолияти, ижоди ва асарларининг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

— Мактабимизда ёзувчилар билан ижодий учрашувлар ўтказиш яхши аънаёнага айланган, — дейди бу ҳақда Махмуда Валиева. — Мактабимиз ўқувчиларининг деярли ҳар бири «Сарик девни миниб» романини мутлола қилишган. Ушбу асар болажонларга нафақат тарбиявий восита бўлиб хизмат қилади, балки уларнинг китоб билан бир умр ошно бўлишларини таъминлайди.

Шунингдек, ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг ўзи ёзган асарларининг яратилиш тарихи, бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ҳикoyalари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Мактаб ўқувчилари томонидан Худойберди Тўхтабоев асарлари асосида тайёрланган сахна кўринишлари эса кечанинги файзли ўтишини таъминлади.

Маъжур тадбирда иштирок этган ўқитувчилардан Муяссар Умарова, Қумри Усмонбекова, мактаб отаналар қўмитаси аъзоси Эркин Турсуновлар ўз сўзларидан Худойберди Тўхтабоевнинг болалар адабиётига қўшган ҳиссасига тўхталиб, уларнинг вояга етишларида ҳам ёзувчининг асарлари муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлашди.

Қизиқarli, савол-жавоб тарзида кечган тадбир якунида қатнашчилар ана шундай учрашувларни тез-тез уюштиришга келишиб олишди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

КАМОЛОТ

Ёшлар — келажакимиз

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР САФИ КЕНГАЯВЕРСИН

Юртимизда истеъодли, тафаккури кенг ёшларнинг ўз билимларини чархлаш, дунёқарашини кенгайтиришга кўмак бўлаётган кўпгина халқаро ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Шу жумладан, «Japan Return Program» («Японияга қайтиш» дастури) 10 йилдан ортиқроқ давр мобайнида ўтказаетган танловларда япон тилини ўрганаётган республикамиз ёшлари иштирок этиб келмоқдалар.

Илмга чанқоқ, интилувчан Машхура Тўхтамирзаева ҳозирда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети 4-босқич талабасидир. У «Japan Return Program» ташкилоти томонидан ўтказилган танловда голиб чиқиб, 2004 йилнинг 10 июнидан 24 июлигача Япониянинг Токио, Кобе, Осака, Хиросима ва Маэжима каби шаҳарларидаги Халқаро анжуманда иштирок этиб келган. Жами 18 мамлакатдан 21 та иштирокчи (талабалар) қатнашган «Ёшлар ва тинчлик» мавзусидаги бутунжаҳон ёшлари саммитида Машхура Тўхтамирзаева ўз фикрини чет тилида дадил билдириб, жаҳон мутахассисларининг эътирофига тушиб қайтиши албатта, юртимизда таълим тизимига берилаётган катта эътибордан далolatдир. Уддабурдон талаба Машхура Тўхтамирзаева билан учрашиб, уни суҳбатга тортиди.

— Машхура, япон тилини ўрганиш осон эмас. Мутахассислар фикрига қараганда, бу тил жаҳонда энг қийин тиллардан бири ҳисобланар экан. Нима сабабдан ўрганиш мушкул тилини тинимсиз меҳнат билан ўрганиш керак. Университетда кирганимда шу тилини танлаб, журналистика соҳаси бўйича Ўзбекистон ва Япония халқлари орасидаги ахборот алмашишуви бўйича фаолият олиб боришни ният қилган эдим.

— Шундай нуфузли ёшларнинг халқаро саммитида қатнашсан, албатта ҳаммага ҳам насиб этавермайдими? Бунга қандай эришдингиз?

— Республикаимизда сисни тинимсиз меҳнат билан ўрганиш керак. Университетда кирганимда шу тилини танлаб, журналистика соҳаси бўйича Ўзбекистон ва Япония халқлари орасидаги ахборот алмашишуви бўйича фаолият олиб боришни ният қилган эдим.

— Ушбу ёшлар орасидан икки нафар ҳамюртларимизнинг кунчиқар мамлакатга сафарлари қандай кечди? Сафарингиз давомида қандай таассуротлар олдингиз?

— Дарҳақиқат, биз Ўзбекистон номидан икки нафар қизлар катта анжуманда иштирок этганимизни ўзимиз-

га шараф деб биламиз. Жаҳоннинг 18 мамлакатидан ташриф буюрган турли миллат вакиллари билан анжуман давомида яқиндан танишдик. Улар орасида афгонистонлик Али Жон, ироқлик Инас ал-Одил исми талабалар жаҳондаги тинчлик муаммолари юзасидан, хусусан, Афғонистон ва Ироқдаги вазиятлар ҳақида қизиқarli, аниқ маълумотларни келтиришди.

Японияда мени хайратга солган нарса, бу — осма кўприкларнинг ҳаддан зиёд кўпчилиги. Улар тўрт-беш қават қўринишда қурилиб, сайёҳларнинг энг кўп эътиборига тушган экан. Токиодаги энг замонавий, кўркам истироҳат боғи «Дисней Ленд»да япон аёлларининг кимоно (миллий кийим)ларда юрганларини кўриб уларнинг урф-одатларини жуда ҳам қадрлашларини тушундим.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Японияда янги, нуфузли университетлардан бири «Kanseygakuindaigaku»да ўқишни режалаштиришман. Шунингдек, магистратура, аспирантура, докторантура йўналишларида илм олиб, янги мавзуларда илмий иш қилмоқчиман.

Тиришқоқ, уқувли ўзбек ёшларининг хориждаги нуфузли олий ўқув юртлиларида жаҳон андозалари даражасида билим олишлари Юртобимизнинг одил сиёсатлари натижаси ўлароқ амалга оширилмоқда. Шундай экан, ёшларга яратилган бундай имкониятлардан тўлақонли фойдаланаётган, юртимизнинг доврўғини жаҳонга ёйишда тинмай иزلанаётган талабаларимиз сафи кенгайверсин.

Юлдуз УСМОН Суратда: Машхура Тўхтамирзаева япониялик дўстлари даврасида.

«Бунёдкор» янгиликлари

ЁШЛАР ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Ҳар қандай жамиятнинг баркамол ривожини ўқувчи сўзсиз у эгаллаб турган ҳудуддаги мавжуд ҳаётини омилларнинг барчасини, шу билан биргалликда ўзларининг яшаш маконларини ниҳоятда эъозлашлари ва севишлари керак. Шу мақсадда мамлакатимизда экологик таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратилган.

Республикаимизда жорий қилинган узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида экологик билим берилиши билан бирга «Экология» ва «Атроф-муҳит муҳофазаси» йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашга ҳам киришилган. «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ҳам ёшларда экологик дунёқарашни кенгайтириш мақсадида кўплаб тадбирлар режалаштирилган. Жумладан, яқинда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор Б.Бахриддинов билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда ёшларнинг шу соҳа бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишлари имкон яратилди ҳамда улар экологияни муҳофазат қилишга жалб этилди.

Учрашувда Марказий Осиёдаги экологик муаммолар ҳақида фикр алмашилди. Бунда ёшлар ҳозирги кунда энг катта экологик муаммо бўлган Орол денгизининг қуриши, озон қатламнинг емирилиши, атроф-муҳитининг кимёвий захарларини каби салбий ҳолатлар ҳақида зарур маълумотларга эга бўлишди.

СУВНИ АСРАШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Сув сайёрамизнинг табиий бойликлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Сувнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди, у жонли ва жонсиз табиатни бирлаштирувчи муҳим бўғиндир.

Шунингдек, сув — оби ҳаёт. Узсиз ҳаётни тасаввур қилолмайсан. Биз сувдан истаганимизча истеъмол қиламиз, кўча-юй, ховлиларга сепамиз, фойдаланамиз ва саломатлигимиз гарови бўлган сувда мазза қилиб сузамиз. Сувга шўнғиб туриб унинг қанчалик танқислигини эса ҳатто тасаввур ҳам қиламайди, тўғрисироқ аввал тасаввур қилмас эдик.

Инсон ўйламай сувини исроф қилиши ва ифлослантириши натижасида унинг ўзи, ҳайвонот ва ўсимлик олами учун зарур табиий сув таъминоти суви тобора қамайиб кетаяпти. Тоза сувини келгуси авлодларга етарли даражада қолдириш мақсадида бу ичимлик суви манбаларининг чекланганлиги ҳақида унутмаслигимиз ва сувини тежашимиз лозим. Ана шу мақсадда яқинда «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Сув — бу оби ҳаёт» мавзусида тадбир ўтказилди. Бу тадбирда сувининг ифлосланиши ва унинг исроф қилиниши ҳақида сахна кўринишлари ва видеолашарлар кўрсатилди.

Бу тадбирни ўтказишдан мақсад сув муаммосини ёшларга тушунириш ва ичимлик сувиغا нисбатан тежамкорликни тарғиб қилишдан иборат эди. Қизиқarli маълумотлар, савол-жавоблар билан ўтган тадбир ниҳоятда жонли ва фойдали бўлди. Зарифа МАХМУДОВА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўртаниб Домо бўлаёт...

ХИКОЯТ Бир улғур киши ҳикоя қилиб деди: «Мен бир қавмини кўрдим. Ўз ака-укаларини узоқ вақт кўрмай юрaverишар экан. Кўрганда эса, хол-ахвол сўрашмас, фақат, ишдан гапириб, агар бир-бировига мол керак бўлса, қўлларидея борини аямас эканлар, буни ҳеч қачон миннат қилишмас экан.

Яна шундай қавмини кўрдим. Агар бир кун кўрмаган бўлса, хол-ахволни, қандай яшаётганини, бола-чақа, хотин-халажларни зўр эътибор билан суриштиришар экан. Ҳатто, агар уйда жўжа бўлса жўжанинг холини ҳам сўрашар. Агар гап молдан чиқса тездагина чап бериб қочишар, арзимас бир нарсани беришга оғринишар экан»

Байт:

**Юз марта хол - ахвол
сўрагандан кўра,
Бир тийин ҳада қил
дўст экан ночор.
Юзлаб ширин сўздан
яхшироқ эрур,
Бир марта яхшилик
айласанг минг бор.
Ёрдам қилиш агар
бўлмаса дилдан,
Тилингни тийгину
сўзлама зинҳор.
Куп-қуруқ сўз билан
алдаса ҳар ким,
У одам эмасдир,
тулкидир айёр!**

● Ишқ либосини кийишдан ор қилиш ва муҳаббат лаззатидан бебаҳра бўлиш табиатнинг оғир жафоси ва касаллик тақозосидир.

**Кимнинг юрагида
муҳаббат бўлса,
Бузуқ наф қуйидан
ўзини кутқарар.
Ҳаётнинг қўлидан зарба
ер бир кун,
Ҳар ким муҳаббатсиз
умр ўтказса.
Саодат кимёси
ҳисобланур ишқ,
У қалбини айлагай**

бамисоли зар.
● Агар нону сув билан ичингни тўлдириб олсанг юрагингга билим йўл тополмайди.

● Башар Ҳофий деди: «Агар очлик бозорда сотиладиган мато бўлса, оқил киши учун ундан яхшироқ сотиб оладиган нарса йўқ!»

● Бузургмехр айтади:
— Емон хотин аввало, ўғрига, сўнг эса душманга ва ҳокимга ўхшайди. Унинг ўғрига ўхшагани шунинг учунки, у эр молига хиёнат қилади, алдаб, номуносиб ишларга ишлатади, эрининг илтифот билан қилган яхшиликларини назарга илмайди ва менсимай қаради, фақат ўзи учун наф келтирадиган нарсаларга интилади. Унинг душманга ўхшаши шу жиҳатданки у душман каби эрига доимо қовоқ солади, чиройини очмайди, эрни менсимайди, доимо гина қилади, ҳар ишдан айб топиб, хафа қилади. Унинг ҳокимга ўхшаши шу вақтданки, эрини доимо ўз фармонига амал қилган ҳолда қўришини истади, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади, уни ҳақоратлашнинг яхши кўради, арзимас нарсалар учун унга газабини сочади, эрининг хафа ёки хушнудлигига парво қилмайди.

Яна айтиди:
— Яхши хотинларнинг эрни иззат ва икром қилиши шундайки, улар ўз эрларининг оиладаги кириш-чиқимга рози бўладилар, етишмовчилик ва ғамлик кунларда эрига итоб қилмайдилар, кеча ва кундуз эр билан доимо мурося ва мадорда маслаҳат билан кун ўтказадилар!

Ойбек таваллуқиданинг 100 йиллиги олдидан

Ўтган асрнинг 40-йилларида Ойбекнинг икки романи — «Кутлуғ қон» ва «Навоий» майдонга келиши билан Ойбек ажойиб ва ҳассос шоир сифатида унутила бошлади. Энди китобхон ўзбек халқи учун Ойбек аввало адиб, роман-навис эди. «Фанга юриши» сингари шеърларнинггина Ойбек шеърятининг намуналари сифатида узоқ йиллар давомида мактаб ўқувчиларига тақдим этилиши ҳам бу ҳолнинг кенг тус олишига сабабчи бўлди.

Аммо Ойбек ижоди, Ойбек шеърятини — мутлақо ажойиб ҳодиса. Ҳали бу ҳодисанинг ич-ичига ҳам бизнинг танқидий нигоҳимиз кирганича йўқ. Ҳатто ақсар шоирларимиз, шу жумладан, ёш қалам аҳллари ҳам Ойбекдек сеҳрли шеърят чашмаси мавжудлигини сезмай, ўзбек шеърят маданиятининг аъёнлари билан уйғун бўлмаган аллақандай оқимлар ичида адашиб юрадилар.

Юрти ва кишиларининг табиатида шарқона ҳарорат ва латофат оз бўлган, аксинча, Болтиқ денгизининг совуқ шамолларидан феъли ва тили дағал торган қаҳраб соҳиллари ўлкасида на аруз ва бармоқнинг туғилиши амри-маҳол эди. Майин иқлим мавжларида чўмилган, ранго-ранг мевалар ва гуллар билан бурканган серқўш водийда эса оқ шеърнинг камол топиши ғайри табиийдир. Зеро, ҳар бир ҳодиса бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда зухур беради.

**Мана, эътибор беринг:
Нафис чайқалади бир туп
наъматка**

**Юксақда, шамолнинг
беланчагида...**
Ойбек юксақ қоялар устида ўсган наъматка новдаларининг шамолда чайқалишини чинакам шарқона ташбех ёрдамида ажиб бир назокат билан тасвирлайди. «Шамолнинг беланчаги» — бу, афтидан, нафақат 1936 йил учун, балки ҳозирги давр учун ҳам ажойиб топила бўлса ажаб эмас. Бу ташбех шеърининг кейинги бандларида ҳам ўз қувватини йўқотмайди, аксинча, шоир ана шу поэтик тафаккур меваси билан қондош бўлган бўёқларни ахтариб топади.

**Пойида йиғлайди кумуш
қор юм-юм...
Нафис чайқалади бир
туп наъматка.**
**Шамол инжуларни
сепар чашмадақ,
Бошида бир сават оқ
юлдуз-чечак,
Нозик саломлари
нақада маъсум!**

Бу бандда камида икки нарсани эътибордан қочирмаслик лозим. Биринчидан, шоир шамол беланчагида тебранаётган бир туп наъматкага нигоҳ ташлаш орқали китобхон эътиборини ранглар уйинига жалб этмоқда. Кумуш қор ҳам, наъматка гуллари ҳам оппоқ; шунинг учун ҳам улар рангдош ҳодисалар. Аммо шоир наъматка гулларининг қандайдир ботиний туйғу кўзи билан оқ юлдузларга ўхшаш эканлигини кўради. Агар биз қор учқунларининг ҳам оқ юлдузчалардан иборат эканлигини айтсак, улар ўртасидаги яқинлик яна ҳам кучаяди. Бошқача айтганда, улар табиатдаги уйғунлиқнинг тимсоли ўлароқ намоён бўладилар. Иккинчидан, уларнинг бири (кумуш қор) йиғлайди, иккинчиси (наъматка) эса чайқалади. Бироқ бир туп наъматка шунчаки чайқалибгина қолмайди, шамол у кўтарган саватдаги инжуларни тўқади. Яъни ҳар иккала ҳодисанинг ҳаракати туфайли пировадиди бир хил маъно ташийди. Натияжада яна уйғунлик пайдо бўлади. Энди шоир бу икки ҳодиса тасвирдан учинчи ҳодиса таърифига кўчади:

...Нозик саломлари нақада маъсум!
Демак, шоир наъматанинг шамол беланчагида тебраниб, эғилишини салом бераётган инсонга муюқоя қилади. Аммо у инсон эмас, балки инсонларга салом берувчи гулдир. Шу тарзда шеър тўқимасида табиат билан инсон ўртасида кўприк пайдо бўлади. Шеърда катта нафосат билан тасвир-

ланган табиатнинг инсон билангина гўзал эканлиги уқтирилади. Бу манзара-шеърнинг пафоси ҳам худди шу нарсада жилва бериб туради.

Ойбек «Чимён дафтари» лирик шеърлар туркумига кирган бошқа бир шеърда бояги топилгани яна истифода этди. Аммо бу сафар унинг шеърий хотирасига муҳрланган гул шунчаки салом берибгина қолмайди. «Ҳар ерда гулларнинг саломи эсар!» деган сатрлар орқали шоир гулларнинг қандайдир шабадага айланган, шабаданинг эса гул қиёфасини касб этган ҳолатини акс эттиради. Яъни ўша ташбехлар янги қир-

келмайди. Ҳамма нарса шоир халқумига келиб қолган тошдек қаттиқ, Ҳатто...нон ҳам. Гўё теваарак-атроф, ҳатто шоирнинг ўзи ҳам ҳаракатдан қолган (гарчанд юраётган бўлса ҳам!). Лекин сўнгги банд уша даҳшатли манзарага оидлик киритади:

**Куйган уйларда увлар
Киш қунони бетиним.
Таъхо кезаман. Йиғлар
Юрагимда Ватаним...**

Қандай совуқ кучга тўла сатрлар! Демак, ҳаёт давом этмоқда. Ҳаракат тўхтагани йўқ... Лекин бу ҳаракатнинг бирдан-бир ташқи кўриниши куйган уйларда увланган қиш қунонидир. Шунинг учун ички ҳаракат ифодаси ҳам ушбу ҳолат билан ҳамоҳанг: шоир кўзларидан ёш оқмагани ҳолда, юрагидаги Ватан қон йиғламоқда. Юрагидаги Ватан... Демак, унинг юрагидан ташқарида ҳам Ватан бор. Аммо бу Ватан фашизмнинг ифлос оёқлари остида. Шунинг учун ҳам шоир юрагидаги Ватан фиғон ва фарёд чекмоқда.

Демак, ҳақиқий шеърят тарихий давр ва шароитда бефарқ қараб турмайди.

Давр ва шароит унинг нафасини, ҳароратини, услубий товланишларини белгилай беради. Ойбек шеърятдан олинган сабоқларнинг бири ҳам шундайлар...

Даҳшатли жанглр авж олган бир шароитда яшаш фронт сафаригадаги Ойбек учун ҳам бехатар эмас эди. У неча бор бомбардимон остида қолди, неча бор ўлим гирдобидан омон чиқди. Ана шундай дақиқаларда ёзган бир шеърда у ўзига-ўзи мурожаат этиб ёзади:

**Йўқ, бомба бас келмас,
Қалинг топ-тоза,
Ҳали айтилмаган қўшиқларга бой.**

**Бескид тоғин, қонин сендай
қим севар?**

**Улардан ким сендек кўшиқ
тўқига?**

**Сен минглаб қақиримлар
Ватандан узок;
Бок; титрар шаҳарлар
ва мамлакатлар.**

**Тингла, қонли аср
безгакдек титроқ,
Ўз асринг-ла дардлаш
ва куйчиси бўл...**

Муса Жалилнинг «Маобит дафтари»ни ўқиган китобхон қаҳрамон шоирнинг муқаррар ўлим олдига мағрур ва жасур қиёфасини кўз олдига келтирган ва бундан ҳайратланган бўлса ажаб эмас. Мусо Ойбек ҳам ўлим билан юзма-юз келган дақиқаларда ўз табиатига хос матонат ва жасоратни ажойиб бир равишда намоён этиди. У фронтда ёзган бирор шеърда шу ерда ўлиб кетишим мумкин, деган гапга имо ҳам қилмади. Аксинча, шаҳарлар ва мамлакатларнинг титраб, қонли давринг эса безгак тутган кишидек қалтираб турганини кўр; шоир ўз асрининг куйчиси бўлиши, унинг дарди билан яшаш лозим, дейди. Бу фикрни у ақли китобларни ўқиб айтмайди, балки бомбардимон пайтида, устига ўқ ва тупроқ ёмири ёғилаётган бир пайтда шундай фикр-хулосага, ижодий ҳаётнинг бош сабоғига келади.

...Ўз асринг-ла дардлаш ва куйчиси бўл.

Бу — буюқ шоирнинг васияти. Буюқ шоир ҳаётининг асосий шиори. Унинг ўзи шу шиор остида ижод этди. Унинг барча шеърлари ана шу қўмондоннинг буйруғи билан туғилади, яшади ва яшамоқда. Аммо улар айна пайтда гоёяғи куч ва қудрат билан, порлоқ мундарижа билан тўйинибгина қолмай, китобхон қалбига кириш ва ўрнашиш, унинг туйғулари ва қонига ёйилиши, унинг қалбини қарогон этиш қувватига эгадирлар. Шунинг учун ҳам Ойбекнинг шеърлари унинг романлари янглиғ ўлмайди.

Ойбек шеърларининг бирида «Шоир нур, ақлга, ҳақиқатга ёр», деб айтган эди. Унинг нур ва ақл билан тўла лирикасида шаффоф чашма каби жўшқин ва офтоб каби порлоқ туйғулар шалоласи жавлон уриб туради. Биз ва келажак авлодлар ана шу жўшқин шалолда ўз хиссиёт ва интилушаримизни поклаб ва шаффофлаб оламиз.

**Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.**

“ШОИР НУР, АҚЛГА, ҲАҚИҚАТГА ЁР...”

Йиллар ва даврлар ўтиши билан янги авлодлар дунёга келадилар. Агар авлодлар ўртасидаги, даврлар ўртасидаги фарқ сезиларли бўлса, олдинги даврларда яратилган адабиёт ва санъат асарлари, ҳатто буюқ ижодкорлар ҳам секин-аста унутилиб, янги авлодларнинг руҳий, маънавий ва маданий ҳаётдан узоқлаша бошлайди.

ралар билан бойиди, мураккаблашди, китобхонни ижодий мулоқотга тақлиф этади.

Ойбекнинг шу даврда ёзган яна бир шеърда эса тунги манзара тасвир этилар экан, «юлдузлар чамани»нинг гуллаганлиги қайд этилади. Агар бу ҳар иккала ташбехни ва уларнинг шоир асарларидаги турли кўринишларини кунт билан қузатсак, бир-бирига маънодош ва оҳангдош бўлмаган икки ҳодисани ўзаро учраштириш ва туташтириш орқали Ойбек поэтиксининг муҳим компонентларидан бири — истиоранинг вужудга келиш жараёнини кўрамиз. «Юлдузлар чамани» қабилидаги истиоралар шеърий тил ва услубнинг олдидан беэҳтибор эмас. Зеро, «Кечанинг оғуши латиф жим-жим юлдузлар чамани гуллаган» деган сатрлар, масалан, Санкт-Петербургдаги ҳатто ойдун тунлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин бўлмаган тасвир ва таърифидир.

Шу нарса беҳиз эмаски, шарқона кўтаринки шеърий бўёқларга бефарқ бўлган рус шоирлари ўзбек диёри билан ошно бўлган, ўзлари ҳам масалан, Тошкент тўғрисида ўзбек шеърятига яқин бўлган услубда шеър ёздилар. Чунки, Анна Ахматованинг уруш йилларида Тошкентда ёзган шеърларини олинг. Уларда ҳам юлдузлар чамани билан ҳамоҳанг бўлган ташбех ва тасвирлар жаранглаб туради. Айтмоқчимизки, кўтаринки, бўёқлар кўшигининг ўзбек шеърятини, хусусан Ойбек шеърларида янграб туриши тасодифий эмас.

Бу табиат билан шеърят ўртасидаги абадий уйғунлик қонуниятига негизда руй беради.

Мухтарам ўқувчи, энди сизнинг эътиборингизни етти йилдан кейинги воқеалар — уруш даври манзаралари тасвирига жалб этсак. Ойбек уршнинг авжи қизгин палласида Москва остоналарида кечаётган жанг манзараларини ўз кўзи билан кўрган, унинг шеърларини гўзалликка ишора бўла олувчи ташбехлар буткул тарқ этади. Бўёқлардаги кўзга ва дилга хузуур бағишловчи нур ўз ўрнини кўз ёшларига бўшатиб беради.

Мана, шоир вайрона ва култепаларга айланган кишлоқларни кўриб, кечанига суҳбатдош бўлган ҳамшаҳарларига кўмак бериб, қандай туйғулар гирдобиде қолади:

**Йиғи келмайди сира,
Ғазабдан қақраган кўз.
Бу йилларнинг яхидек
Лабимда қотибди сўз...
Қошлар, киприклар қирон —
Юрمان хушсиз, ҳайрон.
Қорним оқ, эсга келмас
Халтамадаги гўштдек нон...**

Бу шеърдаги икки ҳолатнинг тасвирига эътибор беринг. Биринчи ҳолат — шоир дейимизи, лирик қаҳрамон дейимизи, уруш сўқмоқлари, собиқ кишлоқлар бўйлаб юрмоқда. Яъни шеърий сюжет оқимида ҳаракатга маълум бир ишора бор. Лекин қаҳратон киши чилласи. Ақл бовар қилмайдиган жиноятлар... Уларни кўриб, шоир лабидеги сўз ҳам ўша йиллар яхидек қотиб қолган. Ҳатто йиғи ҳам

Хабарингиз

борми?

ДЕНГИЗ ТИЛИ

Англиялик бир группа денгиз сайёҳлари ва тилшунослар кемалар ўртасида, порт хизматчилари билан суҳбат олиб боришда ҳамда авария вақтида алоқа боғлаш учун ягона "денгиз тили"ни жорий этишни таклиф қилдилар.

Бунда бир неча ўзига хос "халқаро" ибора қўшилган содда-лашган инглиз тили асос қилиб олинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида иш олиб борувчи Халқаро денгиз ташкилоти орқали тавсия этилган "денгизда сўзлашув китоби"да шундай лўнда иборалар борки, улар билан денгизда сузиш, портларда маневр қилиш ва бошқа ишларни бажариш пайтида вужудга келувчи ўттиз олтига вазиятни ўзаро тўла тушуниб олиш мумкин.

Шуниси қизиқки, денгиз сўзлашув китобининг муаллифлари денгиздаги тўқнашувлар аксарият ҳолларда инглиз тилида гаплашадиган кема экипажларининг йўл кўйган хатолари сабабли вужудга келар экан, деб айтишмоқда. Ана шу кемалардан келаётган радиогаммаларнинг тилга боиллиги қабул қилувчини янглиштириб юборади.



Шу оғод ва обод Ватанинг бахтиёр ёшларимиз...



Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

ЖАЗО ЕНГИЛ БЎЛМАДИ

Футбол «фанат»лари ҳақида кўп ёзамиз. Айниқса чет эллардаги стадионларда айнан уларнинг айби билан қонлар тўкилади. Бизда эса яширишди. Аммо ана шундай жанжаллар учун масъул бўлган - полициячиларни қамашганини эшитганимиз?

Бу воқеа Гренадада содир бўлди. Истеъфоси чиққан совик тартиб назоратчиси чиқолмаганидан рақиб клубининг бир ўйинчиси ҳамда майдондаги ҳақамни тўппончасидан ўқ узиб ярадор қилди...

Жазо ҳам енгил бўлмади. Бир йилга қўзилган суд жараёнидан сўнг унга ўн олти йил қамок жазоси эълон қилинди.

ТИЛАМЧИ МАЙМУНЛАР

Айтишларича, кўёни яхши-лаб қалтакланса, гугурт чақини ҳам ўрганиб олиши мумкин экан. Яқинда Хинди-стонда бўлиб ўтган воқеани эшитиб яна ҳам ҳайрон қолиш мумкин.

Мамлакатнинг кўпгина шаҳарлари фўқароси тиламчи маймунлардан ўзларини кўрага жой то-полмаётдилар. Шуниси ажабланишарлики, маймунлар тўдаси аҳолига ҳужум қилаётгани йўқ, нон ёки мева ҳам сўрамайди. Улар фақатгина пул сўрашади, ҳолос. Мабодо уй эгаси пул бер-маса, унда ҳайвонларнинг жаҳ-ли чиқиб, қўллари билан дўк-пўнса қўладилар. Майда танга олган маймунлар яқин орадаги бозорга бориб, мева ёки сабза-вот харид қилмоқчи бўладилар. Шуниси қизиқки, устомон «хари-дорлар» аризмаган пулга кўп нарса олишга ҳаракат қилади-лар. Мабодо, сотувчи ўз моли-ни сотишдан борт торса, унда маймунлар очиндан-очик мева-сабзавотларни олиб қочмоқдалар. Бозордаги мева сотувчилар ҳай-рон - булар ўргатилган маймун-ми, ёки ўз ақли билан ҳара-кат қилмоқдаларми?

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бектемир кўчаси, 31-А уйда жойлашган «**BEK ABDULAZIZ**» хусусий корхона-сига тегишли бўлган савдо дўкони биноси учун тайёрлан-ган, ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартиб-га солиш Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан берил-ган №2-18/2001 реестр рақам-ли кадастр ҳужжатлари йўқол-ганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Мадабирлар

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Қадим-қадимдан оила, никоҳ тушунчалари Шарқ дунёсида алоҳида эъзо-ланиб келинган. Шу боис ҳам турмуш қурадиган балоғат ёшидаги қизлари-миз доимий равишда қайвони онажон-лар эътиборида тарбия топган бўлса, мустақил ҳаёт бўсағасида турган йи-гитлар бей ҳаётий тажрибага эга қарияларимиз назарида бўлган. Му-қаддас инсоний тушунчаларни дилла-рига муҳрлаб олган ёшлар келажақда ўзлари учун зарур бўлган умумба-шарий қоидаларни кашф этишган.

Ота-боболаримизга тоғди таянч бўлган бундай маънавий қадриятларга бўлган ҳур-мат ва эҳтиром мустақиллик йилларида янада кадр топди. Айниқса, Вазирлар Маъжа-сининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш" ҳамда "Оилада тиббий маданиятни ошириш тўғрисида"ги қарор-лари бунинг яққол исботи бўла олади. Ана шу қарорларнинг ижросини таъминлаш, оила-ларда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, оналик ва болаликни ҳар томонлама ҳим-оя қилиш, аёлларнинг репродуктив саломат-лигини муҳофаза этиш мақсадида кўни кеча Бектемир туманидаги "Астрообод" маҳалла гузариди давра суҳбати уюштирилди. Ўн иккита маҳалладан таширф буюрган оқсо-

қоллар ва диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар иш-тирок этган мазкур учрашувда никоҳ ва оила муаммолари тахлил этилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ушбу соҳада қабул қилинаётган турли қонун ва меъёрий ҳужжатлар бу йўлда ўзига хос ҳуқуқий асос яратди.

Тадбирлар сўз олган Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жам-гармаси бош мутахассиси Гулчехра Жура-ева мамлакатимизда никоҳланувчи шах-сларни тиббий кўриқдан ўтказиш масаласи келажақда соғлом авлодни шакллантириш-да ўз ҳиссасини қўшишини таъкидлади.

Бундан ташқари тумандаги 11-туғруқхона бош шифокори ўринбосари Белжан Ўразбоевнинг маърузаси ўзаро қариндош-лик асосида қўрилаётган оилалар ўртаси-да келиб чиқадиган ирсий касалликлар, қайнона ва келин ўртасидаги муносабат-лар, шарқона одоб-ахлоқ мезонлари ва меъёрилар масалаларига бағишланди. Бир сўз билан айтганда, мазкур учрашув кун-далик ҳаётимизда учраб турадиган ҳаётий зиддиятларни бартараф этишда ўзига хос ечим вазирасини ўташга хизмат қилса ажабмас.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Транспорт

ЭКОЛОГИК ТОЗА ЁНИЛГИ

Автомобилларни газда ишлашга ўтказиш жараёнига рес-публикамизда ҳам кат-та аҳамият берилмоқ-да. Суюлтирилган неф-ти газ билан ишлаш транспорт корхонала-рига катта иқтисодий фойда келтирмоқда.

Экологик вазиятни ях-шилашда ҳам муҳим омил бўлаётган бундай тоза ёнилғидан «Тошша-ҳарйўловчитранс» акция-дорлик компаниясида ҳам кенг фойдаланиш тадбирлари қўрилмоқда. Тошкентда фаолият қўрсатаётган «Интермо-билгаз» масъулияти чек-ланган жамияти билан тузилган шартнома бу борада яхши амалий аҳамият касб этди.

Бундан ташқари жамия-ят арзон, экологик тоза ёқилги деб тан олинган бу хил газлардан «Да-мас», «Нексия» каби ав-томобилларида фойдала-ниш бўйича тавсияларни ҳам тайёрлади.

Анвар ВАЛИЕВ

Мағилм

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги академик лицей ташкил тоғанига беш йил бўлди. Замонавий ўқув корпусида жойлашган бу билим даргоҳини битирган ёшлар электрон ҳисоблаш машиналари оператори ихтисослигига эга бўлади.

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ

Айни вақтда таржимон референт мутахассислиги бўйича ҳам мустақил фаолият қўрсатишлари мумкин.

Иқтидорли толиби илмлардан бир гуруҳи АҚШда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Халқаро АКСЕЛС ташкилоти томонидан йўл қўзилган танловда голиб чиққан тўрт нафар ўқувчи бу йил республикамизга қайтиб келади.

Келгуси йили эса АКСЕЛС танлови голибларидан беш нафари Америкага йўл олади.

Ақбар АЛИЕВ

Мағнавийат

ИЖОДИЙ ДАРС СОАТЛАРИ

Ижодий дарс соатлари! Бу ибора тилга олинганда таниқли ёзувчи ёхуд шоирларнинг ўқувчи ёшлар билан давра суҳбатлари ҳам кўз ўнгимизда гавдаланади.

Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъати лицейида уюштирилаётган дарсдан сўнг мутолаа соатлари ҳам ўзига хос маҳорат сабоқлари вазирасини ўтамоқда. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан мулоқот ҳам ёш қаламкашларда қизиққиш уйғотмоқда.

"Ижодий дарс соатлари" деган мавзуда ташкил этилаёт-ган бундай давра суҳбатлари орқали кўзқарғали маълумотларга эга бўлдилар. Айни вақтда ёш котибхоналар ёзувчининг асар-лари ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ХУШХАБАРЛАР, ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕАЛАР КУНИ

24 МАЙ, СЕШАНБА

Бугун кўпчилигимизни хушхабарлар, аjoyиб истиқболлар, қувончли воқеа-ҳодисалар кутади - мунажжимлар бугун-га шуларни ваъда қилишяпти.

Шу кун таваллуд тоғанлар яхши ҳарбий хизматчи, интизомли, ўз сўзининг устидан чиқадиган, жасур, фаол ва дадил кишилар бўлиб етишадилар. Мунажжимлар таъбирича, улар баъзан ҳаддан зиёд соддадил, очикқў-нгил бўлиб, ўзларини эркин тўтишлари, ҳар қандай қўтилмаган ўзгаришларга ҳаммиша тайёр туришлари билан диққатни тортишади.

Бугунги куннинг бир-бирини тўлдирувчи бир неча рамзлари бўлиб, улардан муҳимла-ри каптар ва нарвондир. Каптарларга хос му-лоимлик ва юшмоқлик ҳамда ўзаро муноса-батлардаги имкон қадар софлик ва олижаноб-лик ҳар биримизга эзгулик ва ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Табиат гўзалликларидан завқла-ниш, мумотоз мусиқа тинглаб лаззат олиш ғоят фараҳбахш ва фойдали бўлади.

Нарвон эса, ҳар бир кишининг маънавий юксакликларга кўтарилиш жараёни олис ва машаққатли кечиниши ёслатади. Бугун ҳамма нарасида табиий меъёрларга ва уйғунлик қонда-ларига риоя этиш керак бўлади. Шунинг учун ҳам бугун қуёш кўтарилгандан то ботғунча меҳнат қилиш, бошлаб қўйилган ишларни охи-рига етказиш талаб этилади.

Деҳқончилик билан шуғулланиш, кўчмас мулк билан савдо-сотик қилиш, муҳим илмий ишларни бошлаш самарали натижалар билан яқун топади. Бугун, шунингдек, қурилажак уй пойдеворини қўйиш, таъмирлаш ва қурилиш ишларини бошлаш ҳам хайрли бўлади.

Турли аломатларга эътибор қилиш бугун-ги кун учун бирмунча аҳамиятлий ҳисоблана-ди. Қаршингиздан эсанг кучли шамол мод-дий ишлардаги омад ҳамда келажак ёрдам-дан дарақдир. Қуш патининг устингизга ту-шиши ҳам айнан шундан хабар беради. Қўл-фонинг бузилиши ёки калитнинг йўқолиши, доннинг сочилиб кетиши - хасталик ёки но-хуш ҳолатларга ишора. Ўзаро суҳбатларда бир исмини бир неча бор эшитсангиз - бу шу ис-мили киши билан яқин орада бўладиган учра-шувдан огоҳлантиришдир.

Бу кеча қўриладиган тушлар унчалик аҳамиятли бўлмай, ўнгингизда уларнинг тес-кари рўй бериши ҳам мумкин.

Либослардан оқ, сариқ ва зарғалдоқ ранг-лилар бугунги кун руҳига кўпроқ мос кела-ди. Хира, қорамтир ва кулранг кийимларни жавонингизнинг нарироқ чеккасига суриб қўйверингиз.

БУГУН:

- муҳим янги ишни бошлайверингиз;
- ишлаш ва дам олиш учун энг қулай ша-роитларни яратингиз;
- ижтимоий муаммоларни ҳал этиш;
- китоб мутолааси билан машғул бўлинг;
- аёлингиз (эрингиз), ака ва опаларингиз билан муносабатларни йўлга қўйиш тавсия этилади.

Ҳар қандай спиртли ичимликлардан, ши-фокор буюрмаган оғриқ қолдирувчи ва тинч-лантирувчи кучли дори-дармонларни истеъ-мол қилишдан, саломатлигингизга бепарво бўлишдан сақлангиз.

Спорт

**ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИГА
ҲОЗИРЛИК
ҚИЗГИН**

Мухлисларга маълумки, футбол бўйича Ўзбекистон ноғиронлар терма жамоаси дунёнинг энг кучли жамоалари қаторида эътироф этилади. Сабаби, терма жамоамиз халқро микёсда уюштирилган турнирларда доимо совринли ўринлардан бирини эгаллаб келган.

Маълумки, яқин кунлар ичида футбол бўйича ноғиронлар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилиши керак эди.

Аммо, ушбу нуфузли турнир айрим сабабларга кўра қолдирилди. Жорий йилнинг август ойида Сочи шаҳрида ташкиллаштирилган халқро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этиши кутилмоқда. Бундан ташқари сентябрда наватбатдаги жаҳон чемпионатига старт берилди. Ушбу мусобақаларда совринли ўринлардан бирини эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб кўйган Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари иқтидорли мураббий Р.Қориев етакчилигида тайёргарлик машғулотларини бошлаб юборишди. Кунига икки маҳалдан ўтказилаётган ушбу машғулотларда ҳозирча терма жамоамиз аъзолари тўлиқ таркибда қатнашмоқда.

Биз эса футбол мухлислари номидан Ўзбекистон терма жамоасига халқро турнирларда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**НАЖАФАЛИЕВ
МАЛЬДИВГА
БОРАДИ**

Мамлакатимизнинг етакчи назоратчи ҳакамларидан бири Сардор Нажафалиев жорий йилги мавсумда кўтаамиз микёсда футбол бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионлар лигаси ҳамда Осиё Кубоги беллашувида назоратчи вазифасини бажариб келмоқда.

Кўни кеча Осиё футбол конфедерациясида Ўзбекистон футбол федерациясига яна наватбатдаги чакриув қозони келди. Унга кўра Сардор Нажафалиев 25 май кўни Осиё Кубоги мусобақаларидан ўрин олган Мальдив ороларининг "Рю-Раминенд" ҳамда Малайзиянинг "Паханг" жамоалари ўртасидаги баҳсга комиссарлик қилади. (Ўз мухбиримиз)

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси «Тошкент оқшоми» газетасининг маъсул ходими Акбар Йўлдошевга онаси Каромат ая Йўлдошеванинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Тошкент Молия институти раҳбарияти ва «Банк иши» кафедраси жамоаси маъзур кафедра доценти Стела Юрьевна Арзуманяннинг онаси Амалия Исаковна АРЗУМАНЯНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия изхор этади.

Бокс

**ЁШ ЧАРМ КЎЛҚОП
УСТАЛАРИ
БЕЛЛАШДИ**

Шаҳримиздаги С.Жаксон номидаги спорт клубида умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида бокс бўйича шаҳар микёсдаги турнир бўлиб ўтди.

Мусобақада 17 та вазн тоифалари бўйича 136 нафар ёш чарм кўлқоп усталари беллашиб, улар авваламбор ўз ўқув масканлари, спорт жамиятлари шарофтини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қилдилар, қолаверса турнир натижаларига кўра республика ва Осиё биринчиликларида қатнашувчи маҳоратли ёшлар саралаб олинди.

Мусобақалар касабга уюшмаларининг 8-бокс мактаби, "Локомотив", "Жар", "Ёшлик" клублари ҳамда "Азамат", "Жокей" хусусий бокс клублари тарбияланувчилари учун ўзига хос маҳорат мактабини ўтади. Вазн тоифаларининг кўплиги эса иложи борича кўпроқ ёшларни синовдан ўтказиб, орасидан иқтидорлиларини танлаб олишга имкон яратди.

Турнир "жанг"ларини кузатар эканмиз, 80 килограммгача вазнда ўзининг барча рақибларини дастлабки дақиқалардаёқ нокаутга



учратиб, ажойиб маҳорат кўрсатган Илхом Пўлатовни алоҳида тилга олмай ўтолмаймиз. Шунингдек, Олим Нодирбеков юқори техникага эгалиги ва кучли зарблари билан тенгдошларидан алоҳида ажралиб турди.

Кувонарли томони шундаки, турнирнинг барча голиб ҳамда совриндорларига мукофотларни бокс бўйича жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинларининг совриндори Руфат Рискиевнинг ўзи топширди. Бу эса келажакда ёш боксчиларни ўз устиларида янада кўпроқ ишлашга ва янги галабалар сари ундаши аник.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

Турмуш горраҳаларида

**КУЙҒАН КЎНГИЛ
НИДОСИ**

*Бу дунёда бир одам
Тушунмасму дил оҳинг.
Мушмилсинг, сенинг ҳам,
Бўлдим ё гуноҳинг...*

Кўп қаватли уйларнинг бирига янги кўшни кўчиб келди. Кўчакўйда кўрғанда салом-алиқни канда қилмай ўтадиган бу оила ўғилларидан бирининг, ёш бўлишига қарамасдан сочларига оқ тушган, оёғини аранг босиб юради. Маҳалла болалари уни "чўлок" дея масхаралашар, ёнларидан турган уларнинг оналари фарзандларини қойишмасди ҳам.

Кўнларнинг бирида шундай ҳолатни кузатиб турган кўшни аёл бу йигит тўғма ноғирон эмаслиги, бир болақайни машина фалокатидан қутқараман, деб ана шу аҳволга тушгани, машина боланинг ўрнига йигитнинг оёқларини босиб кетгани ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг барча аёллар янги кўшнига бошқача назар билан қарай бошладилар. Ушбу оила шаҳримизнинг Қорақамийс даҳаси, 1/4 мавзе, 33-ўйда истиқомат қилувчи Собироллар оиласидир.

...Зокир ота ҳамда Муяссар аялар оила қуриб олти фарзанд беш ўғилу, бир қизни воёга етказиб, икки ўғилларини орзу-хаваслар билан уйли-жойли қилдилар. Ўғиллари Зоҳиджон ҳам севиб оила қурди. Оллоҳ уларга бир йил ўтар-ўтмас ўғил фарзанд ато этди.

Ота бўлиш бахтининг лаззатини ҳали тушуниб етмаган, фарзандини туғруқхонадан олиб чиқмай, ўғлини бир бора бўлсада бағрига босиб улгурмаган Зоҳиджоннинг ҳаётида тўсатдан фожеа юз берди. Икки кўнлик ўғлини кўргани туғруқхонага ошиқаётган, қувончидан оламга симаётган Зоҳиджон тасодифан йўлда ўн ёшлар чамасидаги болақайни машина фалокатидан асраш мақсадида боланинг устига ўзини отиб, уни кутқаради, ўзи...

Машина 23 ёшни эндигина қаршилаган йигитнинг оёғини эгзилаб кетганди. Уни беҳуш ҳолда шифохонага олиб боришди...

Бу оиланинг бошига тушган кулфатга яна кулфат қўшилди. Кўнгилик кўйиб оила қурган Зоҳиджоннинг рафиқаси ўғилчасини олиб "Ноғирон эр билан яшамайман", дея

онасиникига кетиб қолди. Оғир кунда ёнида бўлиш, ёстиқдошининг дардига маҳкам бўлишга афсуски келиннинг юраги дов бермади, сабр-бардоши етмади.

Турмуш ўртоғининг жасорати олдида бош эғиш, яқши кўнлар умидида кун қуриш, унга далда бўлиш бу аёлга бегона эди... Орадан олти йил ўтган бўлсада, хотирадан ўчмас из қолдирган қаро кўнлар ҳақида Зоҳиджон гапиролмади. Кўзлари ёшга тўлган онаизор — Муяссар ая бир ярим йил шифохонада ўғлини даволатгани, на ҳайдовчи, на кутқариб қолинган болақай ёки унинг ота-ониси Зоҳиджондан келиб хабар олишмагани ҳақида қалби изтиробга тўлиб сўзлади. Ҳа, айтмоқчи Зоҳиджон ўлим билан олишиб, жон олиб, жон бераётганда хотини бошқача турмушга чиқиб, яна бир фарзандлик бўлиб, ажралишга ҳам улгурди. Кейинчалик "Бирга яшайлик" дея бевафо хотин бир неча бор оғиз ҳам солибди. Лекин, Зоҳиджоннинг дарз кетган юраги айриликни афзал қўрибди.

Энг ачинарлиси ва даҳшатлиси юқорида айтганимиздай, Зоҳиджоннинг ҳаётининг остин-устун бўлишига сабаб бўлган ўн ёшлар чамасидаги болақайнинг на ўзи, на ота-ониси бирон маротаба бўлсин боланинг ҳаётини сақлаб, оёғиндан айрилган йигитдан хабар олишга, унга миннатдорчилик билдиршга, моддий бўлсада, маънавий мадад беришга ярамабдилар.

Йиллар армонларни, яқши-ёмон кўнларни мозиёга муҳрлайди, лекин, қалб жароҳатиники? Навқирон ёшида 3-туғруқ ноғирони бўлган Зоҳиджон эндигина 30 ёшга тўлди. Унинг ҳаётдан ўмидлари катта эди. Оппоқ оқарган сочлари унга улуглик бахш этсада, бегубор кўзлари нурга тўла, меҳрга ташна.

Истагимиз, Зоҳиджонга унинг жасоратини эъозлайдиган, мардлигини қадрлайдиган, ўзига ўхшаш олижанон фарзандлар ҳаёда этакдиган, боқира келинчак насиб этсин. -Ораминизда мана шундай мард ва жасур, фазилатли инсонлар кўпайсин. Зеро, бу дунёдан фақатгина яқшилик, яқши ном, меҳр ва муҳаббат қолади.

Инобат УСМОНОВА

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси 050 — "Қутқарув хизмати" поятахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг яқин кўмакчисига айланиб улгурди, десак адашмаймиз.

050 — «Қутқарув хизмати»

фаолиятидан

**ҚУТҚАРУВЧИЛАР
МАЛАКАСИ
ОШИРИЛМОҚДА**

Эндилликда ҳар қандай қутилмаган вазиятга тушиб қолган одамлар 050 — "Қутқарув хизмати"га телефон орқали ёки оғзаки мурожаат қилишмоқда ва ўз вақтида уларга зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Бу шубҳасиз, Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси "Қутқарув хизмати" қутқарувчилари зиммасига катта маъсулият юклайди. Чунки қутқарувчилар ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдамга муҳтож ва оғир аҳволга тушиб қолганларга ёрдам кўрсатишлари, шу билан бирга ўзларининг ва шу инсонларнинг ҳавфсизлигини таъминлашлари керак. Бу эса қутқарувчилардан ҳар қандай фавкуллода вазиятда тўғри ва тезкор ҳаракат қилишлари учун катта маҳорат ва малакани, касбий, жанговар тайёргарликни талаб қилади. Бунинг учун қутқарувчилар маҳоратларини ошириб боришлари ва экстремал вазиятларда қутқарув асбоб-анжомлари, техникалардан тўғри фойдаланишни билишлари шарт.

050 — "Қутқарув хизмати" ходимларининг ҳар қандай фавкуллода вазиятларда тўғри ва тезкор ҳаракат қилишларини таъминлаш мақсадида улар билан доимий равишда назарий ва амалий ўқув машғулотлари олиб боришмоқда. Бунинг учун бошқарма биносида алоҳида ўқув хонаси ташкил этилган бўлиб, у зарурий ўқув кўрғазмалари плакатлар, ўқув-услубий қўлланмалар, керакли китоблар, телевизор ва видеоаппаратура билан жиҳозланган. Шунингдек, ҳалоскорларнинг, қутқарувчиларнинг замонавий қутқарув воситаларини яқши ишлата билишлари ва янги техник усулларни ўзлаштиришлари катта эътибор берилмоқда. Бошқарма офицерлари подполковник Ю.Пак, катта лейтенантлар Ҳ.Бобонов, Р.Нуралиев, сержант М.Мансуурлар бошқарма ёш қутқарувчиларининг малакасини, касбий ва жанговар тайёргарлигини оширишга катта ҳисса қўлишмоқда, улар билан доимий равишда назарий ва амалий ўқув машғулотларини ўтказишмоқда. Уста қутқарувчилардан Д.Хужамийёров, С.Кузнецлар эса ўз тажрибаларини амалиётда қўллаб, ёш қутқарувчиларга ўргатиб боришмоқда. Шунингдек, қутқарувчиларимиз ИИВнинг Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кўчлари Тошкент ҳарбий округи сержантлари тайёрлаш мактабида махсус тайёргарликдан ўтказилиши давом этмоқда. Натижада бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини берапти. "Машқда қийин бўлса, амалиётда осон бўлади" деганларидек, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Фавкуллода вазиятлар вазирлиги тизимидаги авария, қидирув-қутқарув тузилмалари ва ҳудудий қутқарув хизматлари терма жамоалари ўртасида ўтказиб келинаётган мусобақаларда Тошкент шаҳри Фавкуллода вазиятлар бошқармаси қутқарувчилари улзукис юқори кўрсаткичларга эришиб, фақат биринчи ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Улугбек ЖУМАБОВ,
Азамат СУЮНОВ.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
ўндошлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулда босилади.
3868 нусхада босилди. Қўзғоғинини А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сенанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриет етказиб берин масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаоти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.